

<p>Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш «Ягона дарча маркази»</p>	<p>«O'ZELEKTROAPPARAT-ELECTROSHIELD» AJ акциядорларининг 2016 йил 17 июндаги йиллик умумий йиғилиш қарори билан</p>
<p>2016 йил 12 февралда          O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI          TOSHKENT SHAHAR AKTIVADORLIK MARKAZI          MIROBOD TUMAN HOKIMLIGI HUZURIDAGI          TADBIRKORLIK SUB'EKTLARIGA DAVLAT          RO'YXATGA OLINDI          20.16 yil "12" 02 № 008116-03</p>	<p><b>ТАСДИҚЛАНДИ</b>          Умумий йиғилиш раиси          Ахмедов Т.И.</p>

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш «Ягона дарча маркази» томонидан 2016 йил 18 февралда 008116-03 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган «O'ZELEKTROAPPARAT-ELECTROSHIELD» AJ уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матни

Амалдаги (эски) таҳрир	Янги таҳрир
<p><b>6. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш ва камайитириш тартиби</b></p>	
<p>6.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.</p>	<p>6.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.</p>
<p>6.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.</p>	<p>6.2. банд чиқариб ташлансин.</p>
<p>6.7. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал қийматини ошириш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.</p>	<p>6.7. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.</p>
<p>6.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат жамиятнинг ўз капитални ҳисобидан амалга оширилади.</p>	<p>6.8. банд чиқариб ташлансин.</p>
<p>6.9. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг</p>	<p>6.9. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун</p>

Ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.	ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.
---	--

### 9. Дивидендларни тўлаш

9.6. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.	9.6. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.
--	--

### 10. Жамиятнинг бошқарув органи, уларни шакллантириш тартиби ва ушбу органларнинг ваколатлари


#### Акциядорларнинг умумий йиғилиши

10.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик бизнес-режаси ҳамда жамият фойдаси ва зарарларининг тақсимланиши кўриб чиқилади.	10.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари, жамиятнинг йиллик бизнес-режаси ва жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари кўриб чиқилади.
--	--

10.11. Ушбу Уставнинг 10.8-банди 1), 2), 3), 5), 13)-қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади, шунингдек: - йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий	10.11. Ушбу Уставнинг 10.8-банди 1), 2), 3), 5), 13)-қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади, шунингдек: - йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий
--	--

<p>Йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.</p> <p>- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.</p> <p>Қолган масалалар бўйича қарор Акциядор умумий йиғилишида қатнашаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.</p>	<p>Йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.</p> <p>- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.</p> <p>- аффилланган шахслар билан битимларни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилиш.</p> <p>Қолган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилишида қатнашаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.</p>
---	---

**Кузатув кенгаши**

<p>10.17. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:</p> <p>1) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;</p> 	<p>10.17. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:</p> <p>1) жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;</p>
---	---

BLI  
 АКТ ИЖРОИЯ  
 КЕНГАШИ  
 АКСИЯДОР